

ЗАРАФШОН ВОҲАСИДАГИ ЭПИГРАФИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ (XV-XIX АСРЛАР)

ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЭПИГРАФИЧЕСКИХ ПАМЯТНИКОВ В ЗАРАФШАНСКОМ ОАЗИСЕ (XV-XIX ВВ.)

HISTORICAL SIGNIFICANCE OF EPIGRAPHIC MONUMENTS IN ZARAFSHAN OASIS (XV-XIX CENTURIES)

AMONOV Mekhrojiddin Uzbekovich,

Department of Imam Bukhari International

Scientific Research Center under

the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan,

PhD

E-mail: mirzomerojiddin@gmail.com

141306. Khoja Ismail town of Payariq district. Samarkand,

Uzbekistan

DOI: 10.47980/PAU/2023/3/3

Аннотация: Мақолада XV-XIX асрларда Зарафшон воҳаси нақибандия тариқати билан боғлиқ эпиграфик ёдгорликларда сақланиб қолган битиклар тадқиқ этилган. Эпиграфик ёдгорликда тариқатда фаолият кўрсатган муайян шайх-муришдиннинг насаби, устозлари ҳақида, тугилган ёки вафот этган йили ҳақида аниқ маълумот сақланган. Бу маълумотлар манбаларда келтирилган маълумотларни бевосита тўлдирди.

XV-XIX асрга келиб Самарқанд ва Бухорода тариқат шайхларининг фаоллиги бирмунча сусайган бўлса-да, илдизи хожাগон тариқатига бориб тақаладиган нақибандия тариқати воҳада кенг тарқала бошлаган. Бу тариқатнинг мазкур ҳудудда етакчи тариқатга айланиши XV-XIX асрларда яшаб ўтган тариқат пешволари Хожя Алоуддин Аттор, Хожя Ахрор Валий, Махдуми Аъзам Дахбедий, Муҳаммад Ҳусайн каби тариқат намоёндалари номи билан боғлиқ. Афсуски, уларнинг ҳаёти ва маънавий мероси, нақибандия тариқатидаги фаолияти ҳанузгача алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Хожя Саққо маҳалласидаги Шайх Саққо Валий қабртошининг бир бўлаги сақланган. Муҳаммад Мусохон хожя Сармежийнинг авлодлари: Яҳё хожя, Жалолиддин хожя, Низомиддин хожяларнинг қабртош битиклари асосида уларнинг насаб ва ҳасабда бир авлод бўлгани аниқланди. Миён Фазл Муҳаммадхон қабртошидаги маълумот асосида 1884 йилда вафот этгани, ҳиндистонлик алфи соний (яъни нақибандия-муҷаддидия) тариқати асосчиси, Имом Раббоний номи билан машхур аллома Шайх Аҳмад Сирҳиндий

авлодидан экани маълум бўлди. Унинг Миён Фуломхон исми ўғли бўлгани васиқа ҳужжатидан аниқланди. Халифа Гиёсиддин хожанинг авлодига тегишли эпиграфик ёдгорликда Ҳазрат Алига қадар етган насаб шажараси битилгани ва Темур хожанинг отаси (“қози мулло мир Маҳмуд хожя ибн халифа Гиёсиддин хожя” деган маълумотга кўра) “Қози” ҳамда “Муфтий” лавозимларида фаолият кўрсатгани аниқланди. Гиёсиддин хожанинг Эшони Калон Султонхон, мулло мир Маҳмуд хожалар ва мулло Муҳаммад хожя исми ўғиллари бўлгани мақолада таҳлил қилинган.

Нақибандия тариқатига оид эпиграфик манбаларни ўрганиш ҳанузгача номаълум қатор ахлоқий, маънавий ва назарий масалаларни очиқлашга ёрдам беради. Ўзбекистон ҳудудидаги турли тарихий мажмуа, қабристон, меъморий иншоот ва қабртошларда сақланиб келаётган битиклар тарихий манба сифатида ўтмишининг номаълум жиҳатларини очиб бериб, тарих фанининг эпиграфика, манбашунослик, ономастика, хронология, исломишунослик каби тармоқлари учун муҳим материаллар тақдим этади.

Калим сўзлар: Хожягон, нақибандия, силсила, қўлёзма, муҳр эпиграфика.

Аннотация: Статья служит важным источником освещения истории тариката, надписей, сохранившихся в эпиграфических памятниках, относящихся к тарикату Накибанди Зарафшанского оазиса в XV-XIX вв. Эпиграфический памятник содержит конкретные сведения о наставниках, происхождении, годе рождения или смерти определенного шейха-муришида, представителя тариката. Данные сведения непосредственно дополняют информацию, представленную в источниках. При династиях, правивших Самаркандом и Бухарой в XV-XIX веках, активность шейхов тариката несколько снизилась, и в оазисе стал широко распространяться тарикат Накибанди, корни которой восходят к тарикату Ходжаган. Превращение этого тариката в одно из ведущих направлений в этом регионе, связано с именами таких лидеров тариката, как Ходжа Алауддин Аттар, Ходжа Ахрор Вали, Махдуми Азам Дахбеди, Мухаммад Хусейн, живших в XV-XIX веках. К сожалению, их жизнь и духовное наследие, их деятельность в тарикате Накибанди до сих пор не изучены в полной мере, не выделены отдельные исследовательские темы. Хотя сохранился фрагмент надгробного камня, установленного на могиле шейха Сакко Вали в махалле Ходжа Сакко Тайлакского района Самаркандской области, и исторические источники позволили осветить его историю. По надгробным надписям потомков Мухаммеда Мусахана Ходжи сармеджи: Яхья Ходжи, Джалалиддина Ходжи, Низамиддина Ходжи установлено, что они были одним поколением в родословной и хисабе. На основании сведений в надгробии Мияна Фазл Мухаммадхана было установлено, что он умер в 1884 году, и был потомком шейха Ахмеда Сирхинди из Индии, основателя тариката Альфи Сани (т.е. нақибандия-муджаддидий), известный как Имам Раббани. Из завещания установлено, что у него был сын по имени Миян Гуламхан. На

эпиграфическом памятнике, относящемся к потомкам Халифа Гиясиддина Ходжи, начертано генеалогическое древо, восходящее до Хазрата Али, и установлено, что отец Тимура Ходжи (по информации «Казии муллы мир Махмуд Ходжа ибн Халифа Гиясиддин Ходжа») занимал должности кази, а также муфтия. Стало известно, что у Гиясиддина Ходжи были сыновья по имени Эшони Калон Султанхан, Мулла Мир Махмуд Ходжа и Мулла Мухаммад Ходжа. Изучение эпиграфических источников, касающихся тариката нақшбандия, помогает прояснить ряд до сих пор неизвестных моральных, духовных и теоретических вопросов. Надписи, сохранившиеся в различных исторических комплексах, кладбищах, архитектурных сооружениях и надгробиях на территории Узбекистана, раскрывают неизвестные аспекты прошлого как исторические источники и дают важные материалы для таких отраслей истории, как эпиграфика, источниковедение, ономастика, хронология, исламоведение.

Ключевые слова: Ходжагон, Нақшбандия, силсила, рукопись, печать, эпиграфика.

Abstract: The inscriptions preserved in the epigraphic monuments related to the Naqshbandi tariqah of the Zarafshan oasis in the 15th-19th centuries are researched in the article. The epigraphic monument contains specific information about the family name, teachers, and year of birth or death of a particular shaykh-murshid who worked in Naqshbandi tariqah. This information directly complements the information provided in the sources.

By the 15th-19th centuries, the activity of the sheikhs of the tariqah in Samarkand and Bukhara decreased somewhat, but the Naqshbandi tariqah, whose roots go back to the Khojagan tariqah, began to spread widely in the oasis. The transformation of this tariqah into the leading tariqah in this area is related to the names of tariqah leaders such as Khwaja Alauddin Attar, Khwaja Ahror Vali, Makhdumi Azam Dahbedi, Muhammad Husain, who lived in the 15th-19th centuries. Unfortunately, their life and spiritual heritage, their activities in the Naqshbandi tariqah have not yet been fully studied as a separate research topic. A piece of the tombstone of Sheikh Saqqo Vali is preserved in Khoja Saqqo neighborhood of Toyloq district of Samarkand region.

According to the tombstone inscriptions it was determined that the descendants of Muhammad Musakhan Khoja Sarmaji: Yahya Khoja, Jalaluddin Khoja, and Nizamiddin Khoja were found to be the same generation.. Based on the information on the tombstone of Miyan Fazl Muhammad Khan, it was found out that he died in 1884, the founder of the Indian Alfi Sani (ie Naqshbandiyya-Mujaddidiya) tariqah, and he was a descendant of Allama Sheikh Ahmad Sirhindi, better known as Imam Rabbani. It was found out from the will document that he had a son named Miyan Ghulam Khan. In the epigraphical monument belonging to the descendants of Khalifa Ghiyaziddin Khoja, it was found that the family tree up to Hazrat Ali was written, and Timur Khoja's father (according to the information "Qazi Mulla Mir Mahmud Khoja ibn Khalifa Ghiyaziddin Khoja") worked in the positions of "Qazi" and "Mufti". The article

analyzes information that Ghiyasiddin Khoja had sons named Eshoni Kalon Sultankhan, Mulla Mir Mahmud Khoja and Mulla Muhammad Khoja.

The study of epigraphic sources related to the Naqshbandiyya tariqah helps clarify a number of still unknown moral, spiritual and theoretical issues. The inscriptions preserved in various historical complexes, cemeteries, architectural structures and tombstones on the territory of Uzbekistan reveal unknown aspects of the past as historical sources and provide important materials for such branches of history as epigraphy, source studies, onomastics, chronology, Islamic studies.

Key words: Khojagon, Naqshbandiya, family tree, manuscript, seal, epigraphy.

КИРИШ

XV-XIX асрларда Зарафшон воҳаси нақшбандия тариқати билан боғлиқ кўплаб тарихий аҳамиятга молик меъморий иншоотлар ва эпиграфик маълумотлар борки, уларнинг тарихини ёритиш ислом тарихи ва манбашунослигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. XV-XIX асрга келиб Самарқанд ва Бухорода ҳукмронлик қилган сулолалар даврида тариқат шайхларининг фаоллиги бирмунча сусайиб, ривожланиб илдири хожагон тариқатига бориб тақаладиган нақшбандия тариқати воҳада кенг тарқала бошлади. Бу тариқатнинг мазкур ҳудудда етакчи тариқатга айланиши XV – XIX асрларда яшаб ўтган тариқат пешволари Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Аҳроп Валий (Mukhamedov N., & Alidjanova L., 2020:74-76), Махдуми Аъзам Даҳбедий, Мухаммад Ҳусайн каби тариқат намояндалари номи билан боғлиқ. Афсуски, уларнинг ҳаёти ва маънавий мероси, нақшбандия тариқатидаги фаолияти ханузгача алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Нақшбандия тариқатига оид эпиграфик манбаларни ўрганиш ханузгача номаълум қатор ахлоқий, маънавий ва назарий масалаларни очиклашга ёрдам беради.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад – XV-XIX асрларда Зарафшон воҳаси нақшбандия тариқати билан боғлиқ эпиграфик манбаларни аниқлаш ҳамда уларни тарихини ўрганишдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Мазкур мақолани ёзиш жараёнида Зарафшон воҳасида мавжуд мақбара ва қабр тошлардаги эпиграфикага оид манбалар ўрганилди. Тадқиқот

жараёнида умумлаштириш, таққослаш, тизимлилик, киёсий-тарихий, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Шайх Саққо Валий XIV асрнинг ўрталари ва XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган нақшбандия мактаби намояндаларидан биридир. Тарихий манбаларда “Саққо” номли бир қатор кишилар қайд этилган. Жумладан, Мир Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида, Валид ибн Абдуллоҳ Саққо, Али ибн Шуъайб Саққо ва Абубакр Саққо каби шайхлар зикри ва таърифи келтирилган.

Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Баҳоуддин Балоғардон” номли асарида эса Шайх Саққо ҳақида бундай ибратли ривоятни келтиради: “Шайх Саққо Самарқандий нақл қилиб дедилар: “Самарқандда юрган пайтларим эди. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қуддиси сиррух)нинг ҳол сифатлари ва кароматларини кўп эшитардим. Менда Ҳазрати Эшон (Нақшбанд) нинг суҳбатларига бориш истаги пайдо бўлди. Уларнинг шариф суҳбатларига етиб, бир неча муддат мулозаматларида турдим. Асҳобларга илтижо қилиб: “Хожа мени қабул қилсинлар”, дедим. Хожа: “Сени қабул қилишимиз учун муомала (касбинг борми деб сўрамоқчи бўлмоқдалар – М.А) керак”, дедилар. “Мен камбағал одамман, мол-дунёдан менда ҳеч нарса йўқ”, дедим. Хожа: “Муомаласиз бўлмайди”, дедилар. Мен эса ҳамон камбағаллигимни изҳор қилардим. Шунда: “Сен учун бизнинг тариқамиздан баҳра йўқ, чунки бизнинг йўлимиздаги аввалги қадам хайру эҳсондир, бироқ сенда ҳасислик ғолиб экан. Ўша тўрт динорни тугиб қўйган ерингдан чиқар!”. Ҳақиқатан ҳам, Самарқанддан чиқаётганимда онам тўрт динор пул берган, уни иштонбоғимга тугиб яшириб қўйган эдим. Уларнинг бу ишрокларидан ҳолим ўзгарди. Қаттиқ шарманда бўлдим. Оғир хижолатлик билан тўрт динорни чиқариб, уларнинг олдиларига қўйдим. Кўп илтижолар қилдим. Ҳазрати Хожа мутлақо қабул қилмадилар. Мен хижолатдан бош эгиб турардим. Бир бола турган экан, бу пулни унга бер, дедилар. Бердим, у олиб девор орқасига отиб юборди. Хижолатлигим янада ошди. Шундан сўнг Ҳазрати Хожа Ғадютга кетдилар. У ерда суҳбат бўлди. Бу мажлисда ҳам бир бола бор эди. Хожа буюрдилар: “Ҳалиги пулни бу гўдакка бер!”. Бердим. У ҳам пулни бир томонга отиб юборди. Мен қаттиқ ноумидликка тушдим. Биродарлар ҳаммаси ўринларидан туриб, кўп илтижолар қилдилар ва узр сўрадилар. Шунда Ҳазрати Хожа илтифот қилиб дедилар: “Бахиллик сифати кўп хунук нарсадир,

айниқса, Ҳақ субҳонаху йўлида энг арзимас нарса бу бошдир”. Менга кўп илтифотлар қилиб, бандаликка қабул қилдилар” (Боқир, 1993:171-172).

Самария асарида, Ҳазрат Хожа Саққо мазори. Шовдор туманидаги Саққо деган жойда, баланд бир тепанинг (Амир Темур солдирган Дилкушо боғининг жануб) кунботар томонида экани айtilган. Хожа Саққо Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан бўлиб, унинг мазори билан шаҳарнинг ораси 3 чорак тош чамаси йўл, дейилган.

Ҳазрат, Хожа – бу улуғ олим, устоз (насаб) вакилларига нисбатан ишлатилган атамадир. Саққо – араб тилида “Соқа” – “сув берувчи, сув ташувчи” деган маъноларни англатади. Хожа Саққо устозининг ҳузурида асосан сув ташувчилик билан хизмат қилганлигини билдиради.

Хожа Саққонинг қабри Самарқанд вилояти Тойлоқ туманига қарашли 13 мактабнинг шимолий қисмида жойлашган. Хожа Саққо Самарқандий қабрига қўйилган оқ мармар тош қабрнинг олд томонида, қабрга ёпишган ҳолда ғишт билан қотирилган. Афсуски, қабртошнинг фақат бир ён томони сақланган, унда Қуръони каримдаги “Ёсин” сурасининг 11-оят ва 12-оят боши (الذِّكْرُ وَخَشِيَ الرَّحْمَنَ الَّذِي فِي يَدَيْهِ الْمَوْتِ), 19-оят охири, 20-оят ва 21-оят боши (أَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ وَجَاءَ مِنْ أَقْصَى الْمَدِينَةِ رَجُلٌ يَسْعَى قَالَ يَا قَوْمِ اتَّبِعُوا يَا حَسْرَةً عَلَى الْعِبَادِ مَا يَأْتِيهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ) сақланиб қолган. Бу мармар плита мақбара-суфанинг бир бўлаги ҳисобланиб, матннинг сақланиб қолган қисми таҳлили шу хулосани беради. Иккинчи қатордаги матн “Ёсин” сурасининг 11-оятдан бошланган, кейинги қатор 19-оятдан, кейинги қатор эмас 30-оятдан бошланган. Ўртадаги оятлар мармар плитанинг бошқа қисмида ёзилгани шундай хулосани тақдим этади. Яъни Хожа Саққо Валий қабри мақбара-суфа кўринишида бўлган. Ва кейинчалик номаълум сабабларга кўра бузилиб кетган. Натижада мақбара-суфанинг сақланиб қолган бир бўлаги, маҳаллий аҳоли томонидан қабрга ғишти орасига маҳкам қилиб ўрнатилган.

Мазкур туманнинг Навҳас маҳалласи шу ном билан аталувчи зиёратгоҳ мавжуд. В.Вяткин бу жой номини “Навқаз” шаклида келтириб, қадимда мазкур ҳудуд номи Муни эканлигини таъкидлаган (Вяткин, 1902:31). Тарихий манбаларда “Навҳас” (Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси фонди, тарихий ҳужжатлар бўлими инв № 571: КР 5991/294) шаклида ёзилган. Бухоро ва Хонқа туманларида “Навҳас” деб юритиладиган жой номлари учрайди.

Ўрта Осиё олимлари қомусида Нофаҳас – Самарқанд кишлоқларидан бири (Саад, 2007:356)

экани айтилган. Бухоро қишлоқларидан саналган Навхасда яшаб ўтган уламолардан Абу Аҳмад ибн Абдувоҳид ибн Руфайд ибн Ваҳб Навхасий Бухорий (ваф.211/826) (Самъоний, 2017:80), Абдувоҳид Навхасийлар тўғрисида маълумотлар келтирилган (Саад, 2007:370).

Нофаҳас Самарқанддан икки фарсах (14 км.) узоқликдаги қишлоқ (ас-Самъоний, 2017:138) бўлиб, бу ном йиллар давомида Нофаҳас, Наваҳас, Навҳас, Навқаз, Навхоз, деб аталиб келинган.

Зиёратгоҳда мавжуд қабртошдаги битиклари ўрганилди. Муҳаммад бин Хусайн бин Абулқосим Ҳаририй [Ҳарири – Хоразм ҳудудида жойлашган қишлоқлардан бири бўлиб, шу ном билан аталувчи жой номлари дунё тарихида кўплаб учрайди]га тегишли қайроқ тошдан (Дала тадқиқот манбалари. Навҳас ота зиёратгоҳи, 2017 йил 9 ноябр) ишланган қабртош (Мирзо Меърожиддин, 2021:75) каби йигирмага яқин қабртош битиклар сақланиб қолган.

Оқ мрамарга, ҳарфлари кошиний (бўртма) ёдгорликда куйидаги сўзлар форс тилида ёзилган.

Матн:

1	بسم الله الرحمن الرحيم			
2	هذا المرقد المنور المرحوم ملا مير تيمور خوجه ابن قاضي ملا محمود خوجه			
3	بن خليفه مير غياث بن خليفه ابراهيم خوجه بن مير الدين خوجه			
4	ابالقاسيم	بن مير ابو الفتح	بن امير	بن امير عبد الاول
	خوجه	خوجه	محترم	
5	بن امير عبد القيويم	بن امير شراف عمر	بن امير شراف عثمان	بن امير
6	شمس الدين محمد	بن امير سلطان محمود	بن امير سيد احمد	بن امير زين العابدين
7	بن امير اسماعيل	بن امير حمزة	بن امير عبد الله	بن امير مطلب ابراهيم
8	بن امير على	بن امير محمود	بن امير حمزة موسى	بن امير محمد الجواد التقي
9	بن امير على موسى رضا	بن امير ميني كاظم	بن امير جعفر صادق	بن امير محمد باقر
10	بن امير زين العابدين	بن امير حسين	بن حضرت على كرم الله وجهه	
11	مات في شهر جمادى الاولى سنة ٦٣٣١ هجري در سن ٩٢ ساله كا			

Таржимаси:

1. Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан!

2. Мазкур нурга тўлган қабр эгаси марҳум мулло мир Темур хожа, унинг отаси қози мулло мир Маҳмуд хожа

3. унинг отаси халифа Ғиёсиддин хожа, унинг отаси халифа Иброҳим хожа, унинг отаси мир

4. Абулқосим хожа, унинг отаси мир Абулфатҳ хожа, унинг отаси Амир Муҳтарам, унинг отаси Амир Абдуаввал

5. унинг отаси Амир Абдулқаййум, унинг отаси Амир Шароф Умар, унинг отаси Амир Шарофиддин Усмон, унинг отаси Амир

6. Шамсиддин Муҳаммад, унинг отаси Амир Султон Маҳмуд, унинг отаси Амир Сайид Аҳмад, унинг отаси Амир Зайнулобидин

7. унинг отаси Амир Исмоил, унинг отаси Амир Ҳамза, унинг отаси Амир Абдуллоҳ, унинг отаси Амир Муталлиб, унинг отаси Амир Иброҳим

8. унинг отаси Амир Али, унинг отаси Амир Маҳмуд, унинг отаси Амир Ҳамза, унинг отаси Амир Мусо, унинг отаси Амир Муҳаммад жавадут тақий

9. унинг отаси Имом Али Мусо Ризо, унинг отаси Имом Мусо Козим, унинг отаси Имом Жаъфари Содиқ, унинг отаси Имом Муҳаммад Боқир

10. унинг отаси Имом Зайнулобидин, унинг отаси Имом Хусайн, унинг отаси Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу

11. ҳижрий 1336 йили жумадул аввал ойида, 29 ёшида вафот этди.

Қабртошдаги матнга кўра: Мулло Мир Темур хожанинг отаси қози мулло Мир Маҳмуд хожа, унинг отаси Халифа Ғиёсиддин хожа, унинг отаси халифа Иброҳим хожа, унинг отаси Мир Абулқосим хожа, унинг отаси Мир Абулфатҳ хожа, унинг отаси Амир Муҳтарам, унинг отаси Амир Абдуаввал, унинг отаси Амир Абдулқаййум, унинг отаси Амир Шароф Умар, унинг отаси Амир Шарофиддин Усмон, унинг отаси Амир Шамсиддин Муҳаммад, унинг отаси Амир Султон Маҳмуд, унинг отаси Амир Сайид Аҳмад, унинг отаси Амир Зайнулобидин, унинг отаси Амир Исмоил, унинг отаси Амир Ҳамза, унинг отаси Амир Абдуллоҳ, унинг отаси Амир Муталлиб, унинг отаси Амир Иброҳим, унинг отаси Амир Али, унинг отаси Амир Маҳмуд, унинг отаси Амир Ҳамза, унинг отаси Амир Мусо, унинг отаси Амир Муҳаммад жавадут тақий, унинг отаси Имом Али Мусо Ризо, унинг отаси Имом Мусо Козим, унинг отаси Имом Жаъфари Содиқ, унинг отаси Имом Муҳаммад Боқир, унинг отаси Имом Зайнулобидин, унинг отаси Имом Хусайн, унинг отаси Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳуға етиши аниқланди.

Демак, Мулло Мир Темур хожа мулло Мир Маҳмуд хожа ўғли Сайидлар авлодидан бўлиб, 1307/1889 йилда туғилган ва 1336/1917-18 йили жумадул аввал/декабр-январ ойида 29 ёшида вафот этган.

Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси фонди, тарихий ҳужжатлар бўлимида инв № 900: КР 1237 рақам остида сақланаётган (1893 йил 15 июл – 1894 йил 4 июл) Фатво ҳужжати тўпламида 11 та муҳр урилган, мазкур муҳрлардан бири айнан мулло Мир Маҳмуд хожага тегишли бўлиб, унда:

“Саййид Маҳмуд хожа Муфтий ибн халифа Мир Ғиёсиддин”, деб ёзилган (Thomas Welsfold, 2012. – 683 б.). Яна бир инв № 643: КР 5991/364 рақамли Ўратепа худудига тегишли ҳужжатда: “Қози Саййид Маҳмуд ибн Халифа Муҳаммад Маъсум 1282(/1865 йил)” деб ёзилган муҳр эътиборимизни тортди, аммо бу бошқа кишига тегишлидир.

Қабртошдаги шажара асосида Темур хожанинг отаси (“қози мулло мир Маҳмуд хожа ибн халифа Ғиёсиддин хожа [Бугунги кунда мазкур авлод вакилларида Умидхон Навҳас жомеъ масжиди имом хатиби бўлиб хизмат қилиб келмоқда. У кишининг отаси Толибхон, у кишининг отаси Муътиюллахон, у кишининг отаси Султон (Эшони Калон)хон, у кишининг отаси халифа Ғиёсиддин хожадир]” деган маълумотга кўра) “Қози” ҳамда “Муфтий” лавозимларида фаолият кўрсатган, дейиш мумкин.

Ғиёсиддин хожанинг Эшони Калон Султонхон, мулло мир Маҳмуд хожалар ва мулло Муҳаммад хожа (ЎЗМДА фонди И-377, 1-рўйхат, 13-иш) исмли ўғиллари бўлганлиги маълум бўлди.

Навҳасдаги навбатдаги катта оқ мармар қабртош Юсуф шайх ибн Дўстники бўлиб, 1014/1605 йили вафот этгани қайд қилинган. Мазкур қабр эгаси Юсуф шайх машҳур зотлардан бири бўлиб, катта ер-мулк эгаси бўлган. Маълум вақт бу ерлар “Юсуф шайх” номи билан ҳам юритилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архив фондидаги И-323, рўйхат-1, китоб-1, 1063 рақам остидаги вақф ҳужжатидаги Шовдор худуди Юсуф шайх мавзесидаги ер мулк 800 кумуш танга, (1087/1676 йил, қози Рауф Муҳаммад муҳри урилган) деган маълумотга кўра Юсуф шайх ўз даврининг машҳур кишиларидан экани маълум бўлади.

Қабристонда яна 1054/1643 йилда вафоти этган Султон Рухия бинти Амир Арғу Мулк, 987/1579 йилда вафот этган Солиҳа Бегим бинти Амир Иброҳим каби бир қатор қабртошлар изланишларда (Мирзо Меъроҷиддин, 2021: 75] ўрганилган.

Муҳаммад Мусохон Сармежийнинг ҳаёти ва фаолияти тадқиқотчилар (Каттаев, 2016. – 308 б.) (Юлдашходжаев, 2008. – 156 б.) (Ўроқхон (Рафиъиддинхон) Ҳожи, 2005. – 152 б.) [11; 20; 19] изланишларида қисман ёритилган, баъзиларида худуддаги зиёратгоҳлар ҳақида сўз кетган бўлса-да, бу ҳақда муайян маълумот учрамайди.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг авлодларига тегишли Қатағон қабристони (ҳозирги Навоий вилояти Хатирчи тумани Эшонқишлоқ худуди)даги қабртошлардан эпиграфик маълумотларни олишга муваффақ бўлинди [Олиб борилган изланишларда учрамади. Қаранг: (Холмуродов, 1996. – 56 б.).

Хатирчи тумани – қадимда Сўғд худудига қараган, иқлими мўътадил, ерлари унумдор бўлган.

Қабристон Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида, қадимий Дабусия қалъасининг шимоли-шарқида жойлашган. Унинг жануби-шарқий томонида Хожа Яҳё ибн Мусохон хожа Сармежий ва авлодлари хилхонаси мавжуд. Хилхона усти очик, 30X15 метр майдонни эгаллаган бўлиб, олти қабртош ўрнатилган, тўрттасида эпиграфик ёзув сақланган.

Ўлчами 120X60 см.

Матн:

1	در تاريخ شهر ذوالحجة
2	سنه ۲۹۲۱ بودكي معصوم با حاسيت ان يحي
3	خواجه وفات يافت

Таржимаси:

Хожа Яҳё 1292/1875-76 йил зулҳижжа/декабр-январ ойида вафот этди.

Ўлчами 150X30 см.

Матн:

1	سيد جلال الدين خواجه ولد ايشان يحي خواجه سنه ۷۰۳۱ وفات يافتند
---	---

Таржимаси:

Саййид Жалолиддин хожа Эшон Яҳё хожа ўғли 1307/1889-90 йилда вафот этди.

Ўлчами 140X30 см.

Матн:

1	سنه هزار سي صد دو بودكي زين الدين خواجه وفات يافت
---	---

Таржимаси:

Зайниддин хожа 1302/1884-85 йилда вафот этди. Ўлчами 125X18 см.

Матн:

1	فضل الدين خوجه ولد زين الدين خوجه
---	-----------------------------------

Таржимаси:

Фазлиддин хожа Зайниддин хожа ўғли.

Яҳё хожанинг авлодлари томонидан 2012 йилда Мусохон хожа Шайхулислом, Яҳё хожа, Жалолиддин хожа (Индамас эшон (Ўроқхон (Рафиъиддинхон) Ҳожи, 2005:28), Низомиддин хожа номлари ва уларнинг аждодлари ҳақида қисқача маълумотлар ёзилган мармар лавҳ ўрнатилган.

Хилхонанинг шимолий томонида Домла Пирмуҳаммад валади мулла Аваз Муҳаммад Урганжий номи қайд этилган қабртошда унинг 1315/1897-98 йилда вафот этганлиги ёзилган.

НАТИЖА

Эпиграфик маълумотлардан Яҳё хожа, унинг ўғли Жалолиддин хожа, унинг ўғли Низомиддин хожа эканлиги, шунингдек, Фазлиддин хожа Зайниддин хожанинг ўғли эканлиги маълум бўлса-да, аммо Зайниддин хожанинг кимнинг фарзанди эканлиги номаълум.

Мармар лавҳа Низомиддин хожа Жалолиддин хожа ўғли эканлиги айtilган, лекин унга тегишли қабртош учратилмади. Эҳтимол ёзуви сақланмаган қабртошларнинг бири унга тегишлидир.

Мақсуди Даҳбедий ўз асарида, Бухоро ҳукмдори Амир Насруллоҳ Муҳаммад Мусохонни мазкур лавозимга тайинлаганини маълум қилади. Оз муддат шайхулислом лавозимида фаолият олиб бориб, 1835 йилда вафот этган.

Силсилани Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий вафотидан сўнг ўғли Яҳё хожа, кейин унинг ўғли Жалолиддин хожага давом эттирган. Ўз навбатида бундан Жалолиддин хожа ўзининг шогирди Ғойибназар Муҳаммад Собир ўғлига тариқат таълимотини давом эттириш учун иршоднома (Иршоднома, XIX аср) берганлиги маълум бўлди.

Ота-бола ўз даврида тариқат муршидлари бўлгани, атрофида кўплаб шогирдлар тайёрлагани ва фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор бериб, тасаввуф илмини пухта ўрганишлари учун шарт-шароит қилингани маълум бўлади. Шунингдек, баъзан тариқат силсиласини кетма-кетликда бир авлод вакиллари давом эттириш ҳолати кузатилган. Жумладан, нақшбандия-муҷаддибия муршиди Муҳаммад Ҳусайн ўз ўғли Абдусатторга, у ўғли Эшмуҳаммадга, у ўғли Убайдуллоҳга рухсат берган, яна нақшбандия-муҷаддибиянинг Сўфи Оллоҳёр тармоғида фаолият олиб борган шайх Мирзо Абул Ҳасан ўз ўғли шайх Мирзо Абул Фатҳга, у эса ўғли шайх Мирзо Абул Туробга ижозат берганини келтириб ўтиш мумкин.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг авлоду аждодлари шажараси борасида сўз юритадиган бўлсак, унинг отаси Ҳасан хожа, унинг отаси Лутфуллоҳ хожа ибн Файзуллоҳ хожа ибн Абдуллоҳ хожа ибн Абдулатиф хожа ибн Абдулбосит хожа ибн Амир Такиддин ибн Амир Маҳмуд ибн Амир Шамсуддин ибн Амир Иброҳим ибн Амир Ҳож ибн Саййид Али ибн Саййид Шарафиддин ибн Саййид Ҳусайн ибн Саййид Исмоил ибн Имом Жаъфари Содик ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Имом Зайнулобидин ибн Имом Ҳусайн ибн Амирул мўминин Ҳазрат Али (Ўроқхон (Рафиъиддинхон) Ҳожи, 2005:33) (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) эканини маълумот сифатида бериб ўтиш ўринлидир.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежийнинг ўғли Яҳё хожа, унинг ўғли Жалолиддин хожа, унинг ўғли Низомиддин хожа (ваф. 1925), унинг ўғли Нарзуллаҳон (1908-1986), унинг ўғли Ўроқхон (Рафиъиддинхон) ҳожи тиббиёт соҳасида узок йиллар фаолият кўрсатган.

Учинчи қабртошда номи келтирилган Зайниддин хожа вафоти санаси (1302/1884-85 йил)га кўра, у

Яҳё хожанинг ўғли, Жалолиддин хожанинг ака (ёки ука)си бўлганини тахмин қилиши мумкин. Бу (ва унинг ўғли Фазлиддин хожадан кейинги авлодлар) масала(си)ни кейинги тадқиқотларга оширамиз.

Муҳаммад Мусохон хожа Сармежий хуфия ва жаҳрия тариқатларида фаолият олиб боргани, унинг силсиласи шогирди Муҳаммад Умар орқали Хоразм ҳудудларига тарқалгани ва Бухоро амирлигида оз муддат бўлса-да шайхулислом лавозимида фаолият кўрсатгани маълум бўлди. Шунингдек, унинг авлодлари номи ва фаолияти ҳамда улар дафн этилган зиёратгоҳда қабртошлардаги эпиграфик маълумотлар асосида вафот саналари аниқланди.

Тойлоқ тумани “Нурли йўл” маҳалласида ва “Абдурахмон Сангпарон” ва “Оқтош ота” номли қабристон-зиёратгоҳ мавжуд. “Абдурахмон Сангпарон” қабристони ўртасида учта қабр тош бўлиб, уларнинг биринчисида: Қабртош ўлчами 60X33 см. “Меҳрибон ва раҳимли Аллоҳ номи билан бошлайман” деб, шаҳодат калимаси ҳамда Қуръони каримдаги “Оли Имрон” сурасининг: **“Ҳар бир тирик жон борки, ўлим шарбатини тортгувчидир”**, (деб бошланувчи 185-оят) келтирилган. Давомида эса “Ушбу мағфиратли марҳум, қабри нурга тўлган Имом Раббонийнинг авлодидан бўлган Миён Фазл Муҳаммадхон, унинг вафоти 1302/1884 йил”, деб қайд этилган.

Миён Фазл Муҳаммадхон 1884 йилда вафот этган. Ҳиндистонлик алфи соний [Бу тариқати олия нақшбандия билан бирга қодирия, суҳравардия, чиштия (ҳамда кубровия)нинг шариф тариқатларини бир-бири билан келиштириб ёки уларнинг маълум томонларини олиб, бошқа бир тариқатни, яъни алфи соний тариқатини тузганлиги сабабидан, Шайх Аҳмад Сирҳиндий (муҷаддид алфи соний ёки Имоми Раббоний) номи билан шуҳрат топган] (яъни нақшбандия-муҷаддибия) тариқати асосчиси ва Имом Раббоний номи билан машҳур манзур бўлган аллома Шайх Аҳмад Сирҳиндий авлодидан эканини маълум бўлди. Унинг ўғли Миён Ғуломхон бир васика ҳужжатида ўз аксини топган [Васика ҳужжатида, саодатпаноҳ мулло Миён Ғуломхон валади мулло Миён Фазл Муҳаммадхон, Эшон мулло Миён Фазл Ҳодихон валади мулло Миён Фазл Мунихон (Самарқандда қозилик лавозимида ишлаган), саодатпаноҳ мулло Миён Абдуҳалимхон, Зайнаббеғим валади Миён Абдушакурхон каби мазкур авлод вакиллари номи келтирилган. (Муҳаммадхон, М.Ф., XIX аср. – 1 варак).

Иккинчи қабр тошда: Ёрмуҳаммад бой ибн Рўзобой Оқсоқол. Сана 1282 (милодий 1865) йил; учинчи қабр тошда: Биби Робия ибн Боқи шайх. Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ. Сана 1282 (милодий 1865) йил, деб ёзилган.

“Оқтош ота” номи билан аталувчи тўртинчи қабр тошда: “Ушбу қабр эгаси Амирзода Муҳаммад Султон Амир Бузан (ушбу исм ёзилган қисми бироз ғализ ҳолатда экани сабабидан, уни Қўзи, Нузан ёки хун, зан деб, ўқиса ҳам бўлади. Бу ерда Бузан деб келтирдик) ўғли, ҳижрий 803 (милодий 1400) йил бешинчи Ражаб ойида шомда вафот этди”, деб қайд этилган. Ушбу 110X40X25 см. бўлган қабртош анча йиллар олдин, тик ҳолатда атрофи пишиқ гишт билан мустаҳкамланган. Натижада тошнинг юза қисмидаги ёзувлар табиий таъсирлар натижасида емирилган. Тошнинг юза қисмига ишланган икки айлана, пиёла кўринишидаги нақш, юқори томонида эса айлана шаклдаги Амир, Султонлар қабр тошига ишлангани каби одатий муҳр ва туғ тасвири туширилган (Дала тадқиқот манбалари, 2019 йил 2 июль).

Қабртошдаги “Амирзода”, “Муҳаммад Султон”, “Шом” (яъни Шом ҳудудига яқин бўлган Қораҳисор) да вафот этгани сабабидан уни Амир Темурнинг набираси деган тахмин ўртага чикди. Аммо ушбу сўзларни рад этувчи аниқ манбалар мавжуд Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Муҳаммад Султонни 1374 йилда таваллуд топиб, 29 ёшида, 805/1403 йил шаъбон ойининг 18 куни/13 мартда вафот этганлиги айтилади (Равшанов, 2014:172, 178). Иккинчидан: Муҳаммад Султон Амир Темурнинг набираси, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди аржуманди ҳисобланади. Учинчидан: Муҳаммад Султон Қораҳисорда вафот этгач, кейинчалик (Соҳибқирон 1404 йили ҳарбий юришдан қайтгач, уста Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний бошчилигида Муҳаммад Султонга атаб) қурилган хилхонага, яъни ҳозирги “Тўри Амир”га олиб бориб дафн этилган (Каттаев, 2017). Тўртинчидан: Қабр тошдаги “Шом” сўзи, ҳудудга эмас, балки, вақт нуқтаи назаридан, яъни қуёш ботган вақт, “шом” назарда тутилмоқда [Бу борада келгуси тадқиқотлар олиб боровчи олимлар чалкашликларга дуч келмасин деб, икки хил фикрни келтирдик. Адаштирилмасин].

Амирзода Муҳаммад Султон Амир Бузан ўғли ўлкамизда ҳукмронлик қилган мўғул Чиғатой улусининг амирларидан бири кўринади. Бунга асосий сабабларидан бири ушбу шахс ва унинг отаси “Амир”лардан эканлиги ҳамда Чиғатой улуси (ўлкамизда “Амир Бузан” [1334-1338 йилларда ҳукмронлик қилган], деган бир қанча Амирлар фаолият кўрсатганлиги, шу фикрни илгари суришга сабаб бўлади.

ХУЛОСА

Мусоҳон хожа Сармежий ва унинг авлодлари узоқ йиллар мобайнида силсилани узвий давом

эттиргани оилада таълим-тарбияга эътибор юқори бўлганини, шунингдек, алломанинг шайхулисом лавозимида ва нақшбандия-муҷаддиия, яссавия тариқати муршиди сифатида фаолият олиб боргани унинг юксак салоҳият соҳиби эканлигини кўрсатади.

Нақшбандия тариқат силсиласи ва генеалогиясига доир манбалар таҳлил қилинганида Зарафшон воҳасида фаолият кўрсатган Хожа Сақо Валий, Мусоҳон хожа Сармежий, Яҳё хожа, Жалолиддин хожа, Миён Фазл Муҳаммадхон каби тариқат намояндалари ҳақидаги маълумотлар тарқоқ ҳолда экани маълум бўлди. Эпиграфик ёдгорликлар асосида уларнинг вафот йили, ота авлоди, устозлари каби маълумотлар билан тўлдириш мумкин.

XV-XIX асрлар ёзма манбалар, тариқат намояндалари мақбараларидаги тош битиклар, эпиграфик ёдгорликлар, тарихий ҳужжатлар, архив материаллари тариқат тарихи, унинг шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар баъзан тарқоқ, баъзида ноқис бўлиб, уларни аниқ бир тизимга солиш талаб этилди. Маълумотларни тизимлаштириш натижасида тариқат тарихига оид бир-бирини тўлдирувчи муҳим янгиликларни олиш, уларни қиёсий таҳлил қилиш имкони яратилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Thomas Welsfold, N. T. (2012). A Catalogue of arabic-script documents from the Samarqand museum. – Samarqand-Istanbul. – 683 б.
2. Самъоний, А. (2017). Ансоб (Насабнома). (К. Р. Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Перев.) Тошкент: Ҳилол. – 213 б.
3. Боқир, А. М. (1993). Баҳоуддин Балогардон. (Ф. М. таржимаси, Перев.) Тошкент: Ёзувчи. – 208 б.
4. Вяткин, В. (1902). Справочная книжка Самаркандской области (Т. Выпуск VII). Самаркандъ. – 1-83 стр.
5. (2019 йил 2 июль). Дала тадқиқот манбалари. Ахборотчи Жабборов Худойберди (63 ёшда). Самарканд, Тойлок тумани Нурли йўл (Бахштепа) маҳалласи.
6. (2017 йил 9 ноябр). Дала тадқиқот манбалари. Навҳас ота зиёратгоҳи. Самарканд вилояти Тойлок тумани Навҳас маҳалласи.
7. Иршоднома. XIX аср. Қўлёзма, Муаллиф шахсий кутубхонасида, инв № 12. – 1 ғарз.
8. Каттаев, К. (2016). Маҳдуми Аъзам тарихи ва мукамал даҳбедийлар тариқати. Тошкент: MASHHUR-PRESS. – 192 б.
9. Каттаев, К. (2017). Самарқанднома. Тошкент: Mashhur-press. – 308 б.
10. Мирзо, Меъроҷиддин. (2021). Шовдорнома. Тойлок зиёратгоҳлари тарихи. Тошкент: Oltin meros press. – 180 б.

11. Муҳаммадхон, М.Ф. (XIX аср охири). Васақа хужжати (изд. Ҳаётхон Ғуломхон ўғли хонадониди сақланади.). Самарқанд: Қўлёзма. – 1 варак.
12. Mukhamedov, N., & Alidjanova, L. (2020). The role of Khodja Akhrar in socialspiritual Life of Central Asia. American Journal of Research https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6_AJR_10.pdf.
13. Равшанов, П. (2014). Амир Темур сулоласи. Тошкент: Янги аср авлоди.
14. Холмуродов, Р. (1996). Хатирчи тумани тарихидан лавҳалар. Тошкент: ФАН.
15. Саад, А.А. (2007). Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти. – 664 б.
16. Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей-қўриқхонаси фонди, тарихий хужжатлар бўлими, инв № 571: КР 5991/294.
17. Мустафоев, С. (2010). Хатирчининг табаррук сиймолари. Тошкент: Muharrir. – 152 б.
18. Юлдашходжаев, Х.Х. (2008). Мусохон Дахбидийнинг Нақшбандийа-Мужаддидийа тариқати ривожда тутган ўрни (XVIII аср). Тар. фан. ном. ... дис. Тошкент. – 156 б.
19. Ўроқхон (Рафиъиддинхон) Ҳожи. (2005). Ибратли ҳаёт гулшани. Тошкент: Мовароуннаҳр. – 108 б.
20. ЎзМДА фонди И-377, 1-рўйхат, 13-иш. Книга для записки решений Казня Жумабазарского участка Самаркандского уезда и области
21. Mukhamedov, N., & Alidjanova, L. (2020). The role of Khodja Akhrar in socialspiritual Life of Central Asia. American Journal of Research https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6_AJR_10.pdf.
22. Ravshanaov, P. (2014). Amir Temur sulolasi. Toshkent: Yangi asr avlodi.
23. Xolmurodov, R. (1996). Xatirchi tumani tarixidan lavhalar. Toshkent: FAN.
24. Saad, A.A. (2007). O'rta Osiyo olimlari qomusi. Toshkent: Imom Buxoriy respublika ilmiy-ma'rifiy markazi nashriyoti.
25. Samarqand Davlat birlashgan tarixiy-me'moriy va badiiy muzey-qo'riqxonasi fondi, tarixiy hujjatlar bo'limi, inv № 571: KR 5991/294..
26. Mustafoyev, S. (2010). Xatirchining tabarruk siymolari. Toshkent: Muharrir. – 152 b.
27. Yuldashxodjayev, X.X. (2008). Musoxon Dahbidiyning Naqshbandiya-Mujaddidiya tariqati rivojida tutgan o'rni (XVIII asr). Tar. fan. nom. ... dis. Toshkent. – 156 b.
28. O'roqxon (Rafi'iddinxon) Hoji. (2005). Ibratli hayot gulshani. Toshkent: Movarounnahr. – 108 b.
29. O'zMDA fondi I-377, 1-ro'yxat, 13-ish. Kniga dlya zapiski resheniy Kaznya Jumabazarskogo uchastka Samarkand uyezda i oblasti.

REFERENCES

1. Thomas Welsfold, N. T. (2012). A Catalogue of arabic-script documents from the Samarqand museum. – Samarqand-Istanbul. – 683 b.
2. as-Sam'oni, A. (2017). Al-Ansob (Nasabnoma). (K. R. Hoji Abdulg'afur Razzoq Buxoriy, Perv.) Toshkent: Hilol. – 213 b.
3. Boqir, A. M. (1993). Bahouddin Balogardon. (F. M. tarjimasi, Perv.) Toshkent: Yozuvchi. – 208 b.
4. Vyatkin, V. (1902). Spravochnaya knijka Samarkandskoy oblasti (T. Vypusk VII). Samarkand'. – 1-83 str.
5. (2019-yil 2-iyul). Dala tadqiqot manbalari. Axborotchi Jabborov Xudoyberdi (63 yoshda). Samarqand, Toyloq tumani Nurli yo'l (Baxsh-tepa) mahallasi.
6. (2017-yil 9-noyabr). Dala tadqiqot manbalari. Navhas ota ziyoratgohi. Samarqand viloyati Toyloq tumani Navhas mahallasi.
7. Irshodnoma. XIX asr. Qo'lyozma, Muallif shaxsiy kutubxonasida, inv № 12.
8. Kattayev, K. (2016). Maxdumi A'zam tarixi va mukammal dahbediylar tariqati. Toshkent: MASHHUR-PRESS. – 192 b.
9. Kattayev, K. (2017). Samarqandnoma. Toshkent: Mashhur-press. – 308 b.
10. Mirzo, Me'rojiddin. (2021). Shovdornoma. Toyloq ziyoratgohlari tarixi. Toshkent: Oltin meros press. – 180 b.
11. Muhammadxon, M. F. (XIX asr oxiri). Vasiqa hujjati (izd. Hayotxon G'ulomxon o'g'li xonadonida saqlanadi.). Samarqand: Qo'lyozma.